

## **Мирзо Бобур ижтимоий сиёсатининг диний - фалсафий асослари**

Бахромжон ҒОФУРОВ

Инсоният тарихига хронологик изчилликда эътибор бериб қарасак ўзининг акл даҳоси билан тарихда шуҳрат қозонган буюк олимлар, қурган давлати, салтанати билан кўплаб халқлар ҳаётида муҳим ва фавқулодда роль ўйнаган атоқли давлат арбоблари, сиёсатчи ҳамда саркардаларнинг жаҳон миқёсида эътиборли, ўзига хос ўрин тутганигинанг гувоҳи бўламиз.

Мирзо Бобур халқимиз тарихида ўчмас из қолдирган мана шундай буюк сиймоларимиздан бири эди. Унинг номини Ўзбекистон мустақиллигининг “олтин пойдевори” ни ташкил қилувчи мутафаккирлар: Хоразмий, Фарғоний, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий каби буюк сиймоларимиз қаторига қўяр экан, биринчи Президентимиз И.Каримов бу мутафаккир ва давлат арбобларимиз ўзбек халқининг миллий онги, миллий шаъни, фахрғурурини ташкил этади<sup>1</sup>, деб кўрсатган эди.

Маълумки, Мирзо Бобурнинг ҳаёти ва фаолияти, унинг илмий-маънавий мероси, давлатчилик сиёсати ҳамда дипломатияси жуда ҳам серқирра бўлиб, ҳозирги кунгача бир қанча фанлар соҳаларида маълум жиҳатлардан тадқиқ қилинган ва қилинмоқда.

Шу маънода биз қуйида Мирзо Бобур ўзи қурган ва адолат билан бошқарган давлатида олиб борган ижтимоий сиёсатининг диний-фалсафий асослари ҳақида қисқача фикр юритамиз. Албатта, асосий эътиборимизни улуғ саркарданинг Ҳиндистон давлатига, айнан шу ерда олиб борган ижтимоий сиёсатининг диний-фалсафий асосларига қаратамиз.

Мирзо Бобур давлатдорлик, ҳукмдорлик сиёсатида ижтимоий сиёсат муаммолари энг асосий, умумдавлат сиёсати даражасида катта аҳамият касб этган эди. Зоро, давлатнинг ривожланиши

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ҳалқимизнинг оташқалб фарзанди. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мағкура. Т. 1. - Т.: “Ўзбекистон”. 1996. 87-88 бетлар.

хукмрон сулоланинг ҳаёти, сиёсати, кейинги тақдири умуман олганда ва биринчи навбатда кенг ижтимоий табака, гурухларнинг ҳукмдор сулолани қўллаб-қувватлаши ёки ҳеч бўлмагандан ҳайриҳоҳлик муносабатига, шунингдек армиянинг ҳукмрон сулолага қанчалик содик ва ишонч муносабатига боғлиқ бўлади. Чунки ҳар қандай ҳукмрон сулола, давлатнинг ижтимоий таянчи, асоси ҳисобланади.

“Бобурнома” нинг муфассал, катта давлат арбобига хос лўнда, сермаъно ва айни пайтда сертакаллуф ёзилиш тили, унинг бошқа асарларидағи ахборот ва маълумотларни мунтазам, хронологик изчиликда баён этиш усули Бобур яшаган ижтимоий ҳаётнинг у билган, муносабатда бўлишига тўғри келган барча муаммо ва йўналишлари бўйича унинг анча-мунча муфассал кузатишлари, тахлили ва хulosаларини топиш имконини беради. Хусусан жамият асосини ташкил этувчи оддий халқ-дехқон, чорвадор, боғбон, мироб, солиқчи, миршаб, мисгару-чилангардан тортиб ўрта табака вакиллари-мухассил, солиқ йиғувчилар, савдо-тижорат аҳли, маъмурлар ва уларга хизмат қилувчилар, руҳонийлар, мадраса мударрислари, мактабдорлар, масjid имом хатиблари, мутавваллийлар, юқори-аслзода табақалар-бойлар, катта, йирик ерсув мулклари-иктоъ, суюрғол, танҳо эгалари, яъни туман, шаҳарлар беклари, тархонлар, амирлар, юқори мансабли маъмурлар, энг юқори табақалар-ҳукмрон сулола вакиллари, уларнинг рақобатчилари, қариндош-уруғлари, аслзодалар, энг юқори диний раҳнамолар Шайх-ул-ислом, муфтийлар, қози-ул-қуззот (қозикалон), қози аскар, қози аҳдос, Ички чорга ва Ташқи чорга аъзолари, Олий умумдавлат чоргаси (давлат кенгаши) аъзолари, Бек атка, Ихтиёр беклар, Соҳиб ихтиёр беклар, эшик оғаси ва х.к. ларгача, армия (қўшин) нинг бутун ижтимоий таркиби ва даражалари ҳақида “Бобурнома”да ва Бобурнинг бошқа асарларида, фармон ва нишонларидан бой ва муфассал маълумот олиш мумкин.

Улар энг мухтасар олиб қаралганда ва мунтазам бир тизим ҳолида қуидаги даражалари бўйича тавсифланиши, таснифланиши мумкин<sup>2</sup>:

1. Олий ҳукмрон сулола вакиллари табақаси-олий ҳукмдор ва унинг қариндош - уруғлари;
2. Ҳокимлар, беклар, катта маъмурлар, армия, қўшин бошлиқлари табақаси-Бек-атка, Ихтиёр беклар, Соҳиб ихтиёр беклар, доруға, кутвол, шихна ва бошқалар.
3. Руҳоний табақаси-уламолар, муфтий, Шайх-ул-ислом, қози-ул-қуззот, қози, мухтасиб, раъис аълам, саркорлар, мударислар, имом-хатиблар, муллалар, талабалар ва бошқалар.
4. Йирик-мулкдорлар табақаси-катта мулк, ер-сув-иктоъ, суюргол, танҳо, холис соҳиблари;
5. Ўрта табақалар-савдо-тижорат аҳли, ҳунармандлар, умуман ҳунар аҳли, дўкондорлар, чорвадор, боғбонлар;
6. Энг қуий табақа оддий дехқонлар-чорикор, ер олиб ишлайдиганлар, боғбонлар, хизматчилар-қора иш билан шуғулланувчилар, қуллар, асиirlар;
7. Зиммийлар табақаси-у ёки бу сабабларга кўра бобурийлар давлатида яшовчи яхудий, насоро, зардушт ва ҳ.к. дин-қавмлар вакиллари, ҳинд ва хитой зумралари вакиллари. Бу Мирзо Бобур ва бобурийлар давлати жамиятининг социал стратификация бўйича ижтимоий таркибининг вертикали бўйича табақа, қатlam, гуруҳ ва даражаларининг умумий чизгиси.

Шу билан бирга Бобур ва бобурийлар давлати, жамияти муайян маънода социал стратификация бўйича ижтимоий таркибининг горизонтали бўйича, яъни насл-насаб ва хасаб бўйича ҳам ижтимоий табақа, гуруҳлари ва даражалари аниқ ажralиб турган. Жамият, давлат ҳаётида катта таъсир кучи ва аҳамиятга эга бўлган. Улар мухтасар олингандаги қуидаги маънавий-руҳоний даражалари, насларига кўра тавсифланиши, таснифланиши мумкин<sup>3</sup>.

<sup>2</sup> Низомиддинов Н. XVI-XVII асрларда Ўрта Осиё ва Ҳиндистон муносабатлари. - Т.: "Фан", 1966. 192-бет.

<sup>3</sup> Жалилов С. Бобир ва Юлий Цезарь. - Т.: "Янги аср авлоди". 2001. 48-бет.

Хукмрон сулола Бобур ва бобурийлар мансуб бўлган Олий хукмдор, аслзодалар табақаси - биринчи навбатда темурийзодалар, амирлар, мирзолар, мўғул хонлари ва уларнинг авлодлари.

Пайғамбар авлод - аждодлари - саййидлар, хожалар.

Азиз-авлиёлар, турли тасаввуф тариқатлари жамоалари вакиллари - эшон, пири-муршид, шайхлар, сўфийлар, орифлар.

Имомлар, фозиллар, олимлар, муҳаддислар, муфассирлар, фақиҳлар, қозилар, муҳандис, мунажжимлар, табиблар, тарихчи, шоир, адиблар, санъат аҳли.

Шайх-ул-ислом, муфтийлар, қози-ул-қуззотлар-умуман руҳонийлар.

Фозийлар, шаҳидлар ва уларнинг авлодлари.

Зиммийларнинг ўз ички насл-насаб ва хасаб даражалари (яхудийлар, насоролар, зардуштийлар, ҳиндлар ва ҳ.к.).

Афғонларнинг муқаддас аслзода ва қоралари.

Бобур босиб олган Кофиристон аҳли насаб ва хасаб соҳиблари.

Оддий, қора халқ-мардикор, чорикор, куллар, асиirlар.

Бундан ташқари Бобур ва бобурийлар давлатининг ижтимоий таркибининг энг асосий, муҳим қисмини уруғ-қавмий табақа, гурӯҳ ва даражалар ташкил этган.

Мирзо Бобурнинг Қобул, Ҳиндистонда шаклланган давлати-салтанати, жамиятининг асосий таркибий, етакчи этник-миллий унсурлари қуидагилар бўлиб, аҳолининг асосий ҳал қилувчи, хукмрон қисми мусулмонлар эди:

Асосий хукмрон этник унсур туркий уруғлар бўлиб, мўғул уруғлари улардан устун мавқеъда Фарғона-Самарқанд даврида, мўғуллар туркийлар билан тенглаштирилган (асосан анъанавий муқаддас ҳурмат-эҳтиром сақлаб қолинган ҳолда) ёки ҳатто пасайтирилган (Қобул-Ҳиндистон даврида) ҳисобланганлар.

Улардан сўнг афғон аслзода уруғ-қавмлари, Дасиса ва Пуштун волий анъаналарини ворисий сақлаб келувчилар ва Бобур билан қон-қариндошлиқ ришталарини боғлаган, асосан урушқоқ, саркаш афғон қабила, уруғлари аскар дасталари бошлиқлари-зойилар.

Эронийлар, тожиклар (Бобур уларни “сорт” деб атаган) ижтимоий-этник таркибининг асосий унсурлари, компоненти сифатида эмас, қадимдан келаётган туркий давлатчилик, ижтимоий сиёsat анъanasига кўра асосан қуи маъмурий, ташкилий, молиявий хизматларда мулозим, уруш кетаётган пайтларда эса асосан ҳашар, ем-ҳашак, озиқ-овқат, от-улов таъминоти соҳалари билан шуғулланган ёрдамчи, қўшимча ижтимоий-этник гурухни ташкил этганлар.

Ҳиндистонда туркий-мўғул уруғ-қавмларнинг давлат, жамият ва армиядаги қатъий устунлиги сақлаб қолингани ҳолда Бобур, унинг ўғиллари, ҳарбий қўмондонлар, умумтурк умароси ёнида “ҳинд умароси”-қўмондон, вилоят, шаҳарлар, туман рожалари табақаси ҳам пайдо бўлган эди. Хусусан, Бобур айниқса Ҳиндистон босиб олиниб, давлат, ҳуқуқ-тартибот ва ҳарбий ташкилот, молия тизимлари тартибга туша бошлаган даврдаги “Бобурнома” хотиротларида “...мирзолар ва султонлар, турк ва ҳинд умаросини чорлаб, машварат қилиб, сўзни мунга қўюлдиким...”<sup>4</sup>, “Ушбу кун турк ва ҳинд умаросини машваратқа чорлаб, сув ўтар (кечиш) бобида жонки қилилди. Сўз мунга қарор топтиким...”, “...Хожа Ҳусайн ва ўзга халқимиз била тузадук ва буронғорға ўзумуз бўлуб, Ҳиндустан умароларидин Ҳонихонон ва Диловархон ва Малиқдод Кароний ва Шайх Гўрандек кишиларни хизматимизга сахладук...”<sup>5</sup>, - деб кўп бора таъкидлайди. Бу эса Бобур ўз теварагида нафақат турк, мўғул, афғон, форс ижтимоий табақаларини, балки ҳинд жамиятининг кўпгина қисмини, айниқса ҳукмрон ҳинд рожа-аслзодалар, ҳарбийлар, руҳонийлар табақаларини тўплаб, уюштириб, уларни катта ва умумий нафратли душмандан ўзининг иттифоқчисига айлантира олганлигини кўрсатади. Маълумки асл ҳинд жамиятида амир, султон, хоқон ва ҳ.к. атамалар йўқ. Лекин, Бобур бир томондан Ҳиндистонда ерлашган турк, мусулмонлардан етишиб чиққан амирлар, хонлар, султонларни, қолаверса асл ҳинд аслзода-рожалар, ҳарбийлар ва руҳонийлардан етишиб чиққан

<sup>4</sup> Бобур Захириддин Мухаммад. Бобурнома. - Т.: “Юлдузча”. 1989. 322 - бет.

<sup>5</sup> Бобурнома... 350 - бет.

давлат, ҳарбий ва руҳоний мансабдорларни умумлаштириб, уларни “Ҳинд умароси”, деб атаган.

Бобур давлатидаги ижтимоий табақа, гурух ва қатламларни устод А.Ҳабибий ўзининг 1940 йилда ёзилган “Бобуршоҳ” номли асарида манбавий маълумотлар таҳлили ва ўша давр тадқиқотлари хулосаларини умумлаштирган ҳолда қуидагича таснифлаб, таърифлаган эди.

Мутлақ ҳукмдор Бобур мансуб бўлган туркий, мўғулий, афғоний, ҳинд ҳукмрон давлат, ҳарбий ва руҳоний олий табақалари билан бир қаторда, - деб ёзади А.Ҳабибий “...ашроф табааси бўлодур. Биз Бобурнинг дарборида низомий (расмий) умаролар, шаҳзодалар, руҳонийлар, хазмандлар (хослар) ва шоиру - ёзувчиларнинг бор эканлигини кўрамизким, булар “Табақаи ҳокима” ташкил беродурлар. Буларнинг василаси билан “Оми табақалар”, яъни деҳқонлар, аҳли касаба ва шаҳар сикталари (қуий табақалари) идора қилиниб, истиснолар (самарали) бўлодурлар”<sup>6</sup>.

Бобур Фарғона - Самарқанд, Кобул ва Ҳиндистонда қурган давлатнинг ижтимоий таркиби, тузилиши, турли табақа, қатлам, гуруҳларнинг шаклланиши, уларнинг жамият ва давлат ҳётидаги ўрни, даражалари, таъсири ва аҳамиятини вужудга келтирадиган қуидаги қонуниятларни алоҳида кўрсатиб ўтганлиги диққатга сазовор ва ижтимоий-этнографик, ҳамда фалсафий-тарихий тахлиллари учун катта илмий қимматга эга.

Ҳукмрон сулола ва ҳарбий табақалар - асосан туркий, мўғулий, Кобулдан бошлаб афғоний, Ҳиндистонда эса ҳинд табақалари асосан наасаб-шажараларига, қариндош-уруғчилигига қараб шаклланганлар.

Бунинг Олий, ҳукмрон табақалардан қуий табақаларгача бўлган ижтимоий таркиб-ижтимоий табақа, гуруҳ, қатламларнинг мақоми, мавқеъи, нуфузи асосан Бобур давлати, ҳарбий ташкилотларидаги ҳал қилувчи унсур ҳисобланган ҳарбий тузум-аскарий низомдаги ўрни, бажарадиган вазифалари, қандай рағбатлантирилиши, қайси даражага эга бўлишига қараб белгиланар эди.

<sup>6</sup> Ҳабибий Абдулхай. Бобуршоҳ. Тоъиф. 1976. 98-бет.

Фуқаролар, раъиятигининг Бобур давлати, жамиятидаги ўрни, мақоми, нуфузи ва қандай ажрим, тақдирланишларга эга бўлиши уларнинг нафақат давлат, ҳарбий тизимидағи ўрни, мақоми, нуфузи билан, балки Бобурнинг умргузаронлиги, ичкилари билан яқинлиги, шунингдек унинг истироҳат, майшатларига шахсий алоқадорлиги, унинг ички ҳаётида қандай қатнашиши, ўрин тутиши ва рағбатлантирилиши билан айниқса фавқулодда боғлиқ бўлган (айш-ишрат, шаробхўрлик, маъжун ейиш ва ҳ.к.).

Ана шундай ички аъёнлар, ҳодимлар хизматидан ташқари бўладиган мазкур кўнгил очарларда ўткир ҳазил-мутойiba, яхши ғазал, муҳаммас ёки бирор созда най, рубобда куй, қўшиқ ёки рақс ижро қилиб, кураш уюштиришларда иштирок этиб, Бобур ва унинг улуғ амир, садрларига яқинлик ҳосил қилиб, ҳам давлат, ҳарбий идора ва бошқарувларида мансаб, ўрта, юқори даражаларга эришиб олар, ҳам катта-катта бойлиқ, ер-сув мулкларига эга бўлиб олардилар.

Зеро, бу ўша замон Бобур давлати, жамияти, ҳарбий ташкилоти қонунлари, тартиб, низомлари, шарт-шароит, урф-одат, анъаналарига кўра тамомила тушунарли, қонуний, табиий ва зарурий эди. Чунки, Бобур ва бобурийлар иродасига кўра “дарбор умаролари, девон музafferлари бирон-бир тафовутсиз, масалан, мулкий (давлат маъмури) ёки аскарий (ҳарбий) деб фарқланмай сулҳда ҳам, урушда ҳам баробар иштирок этганлар. Сулҳ ва уруш замонларида Подшоҳ (Бобур) нинг ишора интихоби биланким бўлсун қайси бир вилоятнинг мулкий (давлат) ва ҳукмий (суд-тафтиш) идораларига тайин қилинар эканлар, ўша ер (худуд-вилоят, шаҳар, туман, қалъя ва ҳ.к.) нинг идора қилиш ва лашкар (қўшун) буйруқларини бажаришга ҳақли, бунга мажбур деб қаралган”<sup>7</sup>. Масалан, Абдулло Китобдор, Боязид Баковул, Хожаги Асад Жондор, Камол Шарбатчилар айни пайтда Бобур қўшини амирлари, давлат арбоблари эдилар. Ҳатто, масалан Маҳмуд Музахҳиб деган ички аъён бўлгани ҳолда Бангола элчиси билан

<sup>7</sup> Ўша асар. 101 - бет.

ташқи сиёсий ва дипломатик алоқа, музокараларда қатнашар, бу музокараларни олиб борар эди.

Бундай ишларда нафақат дунёвий амирлар, ҳукмрон табақа вакиллари, балки мағлуб бўлган рожалар, амирлар, султонлар, қочиб келган ўзбек султонлари, шунингдек саййидлар, хожалар, эшонлар, имомлар, Шайх-ул-ислом, муфти, қози-ул-қуззотлар, ғозийлар, мударрислар, шоиру-адиблар, олимлар ҳам қатнашганлар. Масалан, Бобур ҳали Фарғона-Андижондалигига энг муҳим ва фавқулодда давлат, ҳарбий ишларни, ташқи сиёсат ва дипломатия ишларини Хожа Мавлонойи Қозига топширганлигини, бунда адашмаганлигини кўришимиз мумкин.

Андижонда оиласи сулоласи билан қадимдан қози-ул-қуззотлик, Шайх-ул-ислом, муфтий бўлиб келган Хожа Мавлонойи Қози Бобур учун энг қалтис даврларда чин дўст ва садоқатли мулозим сифатида хизмат қилган. Унинг давлат фитналарини бостириш, Султон Аҳмад Мирзо, мӯғул хонлари, Абу Бакр Дуғлот Кошғарийлар билан мураккаб сулҳ музокараларида элчилик ва Садри аъзамлик мақомида ҳам диний-шаръий, яъни қонуний ҳам маънавий-руҳоний раҳнамо, энг содик давлатхоҳ аъёнлар етакчиси сифатида қатнашганлиги, охир-оқибатда Бобурнинг Фарғона давлати иқтидори, ҳокимиятини сақлаб қолиш учун мислсиз мاشаққатли курашларда шаҳид бўлгани, жони ва хону-монини фидо қилгани тарихий манбалардан маълум. Фикримизнинг исботи сифатида “Бобурнома”дан қуидагиларни ўқишимиз мумкин: “Хожа Мавлонойи қозиким, Султон Аҳмад қозининг ўғли ва Шайх Бурхониддин Қиличнинг наслидур, она тарафидин Султон Илик Мозийға етар, анинг хонаводалари ул вилоятга марже ва шайхулислом йўсунлук бўла келгандур...”<sup>8</sup>. Бошқа бир ерда, Самарқандни ilk бора эгаллаб, юз кун подшолик қилиб, сўнгра уни ташлаб чиқишига мажбур бўлган Бобур Фарғонада Садри аъзам мақомида юрт мудофаси учун жавобгар, масъул бўлиб қолган Хожа Мавлонойи Қозини фитначи, мухолиф беклар томонидан

---

<sup>8</sup> Бобурнома... 17 - бет.

“...(Андижон) Арки дарвозасида беиззатона осиб шаҳид қилдилар”<sup>9</sup> деб ёзган эди. Хожа Мавлонойи Қози Бобурнинг ҳам устоди, ҳам пири эди<sup>10</sup>.

Хожа Мавлонойи Қози ота томонидан Фарғона саййидлари, азиз-авлиёлари Шайх Бурхониддин Қиличга, она томонидан эса Султон Илик Мозийга, яъни қорахонийлар давлати ҳукмдор сулоласининг асосчисига бориб улашар эди (насаби ва хасаби). “Фарғона вилоятида бу табақа муқтадо ва шайхулислом ва қози бўла келгандурлар. Хожа қози ҳазрати Хожа Убайдуллонинг муриди эди. Алардин тарбият топиб эди. Хожа қозининг валийлиғида менинг ҳеч шакким йўқтур. Қайси иш вилоятқа мундин яхшироқ далилдурким, аларға қасд қилғонлардин оз фурсатта осор ва аломат қолмади. Хожа қози ажиб киши эди. Қўрқмоқ анда асло йўқ эрди. Онча далер киши (қўрқмас, довюрак) кўрилган эмас. Бу сифат ҳам валоят далилидур. Сойир эл ҳар неча баҳодир бўлса, андак дағдағаси ва таваҳҳуми бўлур. Хожада асло дағдаға ва таваҳҳум йўқ эди. Хожанинг воқеасидин сўнг Хожаға мансуб эллар-мисли навкар ва чокар ва аймоқ ва аҳшомни тамом туттуруб, талаттилар”<sup>11</sup>.

Мана шу биргина мисолнинг ўзида Хожа Мавлонойи Қозининг Фарғонанинг ўша пайтдаги давлат, ижтимоий табақаларининг бир нечтасига - 1) саййидларга, 2) хожаларга, 3) азиз-авлиё, 4) пири-муршиidlар, эшонларга, 5) қози-ул-қуззотлар сулоласига, 6) муфтий, Шайх-ул-исломлар сулоласига, 7) қадимги Қорахоний ҳукмдорлар сулоласига, 8) қадимги Андижон туркий қавмлар, беклари табақасига, 9) ҳарбий табақага (навкар, чокар ва хашамга), 10) қолаверса Садри аъзамлар табақасига мансуб эканлигини аниқлаб олиш мумкин.

Бобур аъёнлари қаторида Кобул, Ҳиндистонга келган ҳар бир турқ, мӯғул табақаларининг истаган вакили ана шу биз Хожа Мавлонойи Қози мисолида санаб ўтган олий, ўрта, қуйи табақаларга мансуб эканлигини кўришимиз мумкин.

<sup>9</sup> Бобурнома... 51 - бет.

<sup>10</sup> Бобурнома... 50 - 51 бетлар.

<sup>11</sup> Бобурнома... 51 - бет.

Кобул ва Ҳиндистонга келинганды мазкур табақаларга қўшимча ағфон Пуштин волийлар аслзода табақалари, ҳинд рожалари, гуран, пандитлар ва ҳ.к. табақалар қўшилиб беҳад баҳайбат, кўп тармоқли, полиэтник ва поликонфессионал Бобур ва бобурийлар давлати, жамиятининг ижтимоий таркиби, ижтимоий табақа ва даражалари шаклланди.

Ўз-ўзидан тушунарлики, бундай янги шароитда қадимги, асл туркий-мўғулий тўра-тузук, ясо-юсун қонунчилиги, тартиботи, урф-одат, анъаналари ёки ислом, шариъат арконлари, қонун, қоидалари ва маросимларининг ўзи етарли бўлмай қолган эди. Бобур ва бобурийлар ўз ижтимоий сиёсатини олиб борганларида нафақат туркий-мўғулий, ағфоний, балки ҳиндий қавмий ва диний-конфессионал ижтимоий алоқа, муносабатлар, муаммоларни ҳам ўта кенг феъллик, миллатларабо уйғунлик, диний-конфессионал муносабатларда эса эътиқодий бағрикенглик тамойилларига асосланувчи ижтимоий сиёсатни юргизиш мажбурияти остида эдилар.

Мирзо Бобурнинг машҳур бўлиб кетган ўғли Хумоюнга “Васияти” (1528 йил) Бобур ва бобурийлар давлати, жамияти ижтимоий сиёсати ютуқларининг тожи, унинг ўзидан кейинги авлодларига қолдирган ўзига хос конституцион қонунлар, қадриятлар мақомига эга бўлган муқаддас ҳужжатдир. Бу ҳужжат нафақат Бобур ва бобурийлар давлатига хос тарихий-манбавий ҳужжат, балки ўта замонавий кўп қавмли, кўп дин-конфессионал ҳозирги замон давлатлари, жамиятлари учун ўта долзарб, ибрат олса бўладиган наъмуна, ҳозирги ижтимоий тараққиёт амалиётида кенг ва самарали фойдаланса бўладиган маънавий кодекс, қонун, талаблари ва қадриятлари мажмуъи сифатида таърифланиши мумкин.

Бобур ўғли Хумоюнга “Васияти” да ижтимоий сиёсат масалаларига жиддий эътибор бериш, турли ижтимоий табақа, қатlam, гурӯхларининг майший аҳволи, ҳавфсизлиги, соғлиғи, ишлаш имкониятлари, маош, турли нафақа, ёрдамларни улардан дариф тутмасликни уқтиради. Бундан ташқари сиёсатда, давлат

ишларида энг муҳими турли этник, қавмий-уруғлар ва диний конфессияларнинг ички этник, ҳамда ички диний-конфессионал мақом, мавқеъ, даражаларини, алоқа муносабатларини жуда аниқ, нозик жиҳатларигача билган, тушунган ҳолда тартибга солиш, давлат сиёсати даражасида уларга адолатли, инсонпарвар ва эътиқодий бағрикенглик, холислик, сабр-тоқатлилик муносабатларида бўлиш зарурлигини алоҳида кўрсатади. Буни биз унинг Хумоюнга қилган қўйидаги васиятларида кўришимиз мумкин:

- ҳамеша мазҳабий таасублардан ҳазар қилғил, ҳалқнинг диний жазабот ва расм-одатларини назарда тутғил. Ҳалқ айрмачилиғидан соқланғил. Ҳар бир тоъифанинг ўзига хос риъоятида бўлуб, инсоф йўли билан муомалада бўлғил;
- хўқиз ўлдурмоғлиғдин чекингил, ҳалқнинг кўнглида ўзинга ўрун наслб айлағил. Эҳсон йўли била ҳалқ санга мутеъ бўлсунлар;
- ҳеч бир қавмнинг маъбудини бузмагил, борча мазоҳиб кишилари била Шоҳ ва Раъият оросидағи равобитни дўстона бўлмоғи учун ҳар ҳолда инсонға муриъоят қилғил. Шунингдек бўлса, мамлакатда амн (ишонч) ва омон(лик) барқарор бўлғой;
- зулм ўрниға исломнинг нашру шоъаси (гуллаб яшнаши) ва қилич ўрниға лутф ва эҳсон василаси яхшироқ бўлғой;
- сунний ва шийа демак каби ихтилофлардин узоқ турғил, бунингдек сўзлар ислом заъифлашувига боъис бўлғой;
- Олтинчидин - ўз раъиятларининг хусусий аҳволотларидин, муҳталиф мавсумларда боҳабар бўлуб, масолиҳаларини назарда тутғил, токим, мамлакатинг заъифлик ва касолатдин маҳфуз бўлғой”<sup>12</sup>.

Мазкур “Васият” нинг ҳар бир банди ва умумий йўналиши ўз моҳияти, мазмунига кўра Бобур томонидан юқорида таъкидланганидек энг кенг ва тугалланган ҳолда бериладиган конституция модда ва бандлари мақомида шакллантирилган бўлиб, улардан катта давлат сиёсати - ички ва ташқи сиёsatда, уруғ - қавм,

<sup>12</sup> Ҳабибий А. Бобуршоҳ... 105 - бет. Васиятнома 935 - йил (1528), жумод - ул охирда ёзилган. “Бобурнома” га кирмаган.

миллатлар ва конфессияларо муносабатларни тартибга солища фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари ушбу асар оқилона ва эзгу мақсадлар - инсонпарварлик, адл - инсофни рўъёбга чиқариш, зулм ва ҳақсизлик йўлини кесиш, барча табака, тоифа қатламларни баробар, тенг кўриш, одам, миллат ажратмаслик каби ижтимоий сиёsat масалаларидан мақсадга мувофиқ, самарали фойдаланишини назарда тутган ҳолда тузилган.

Бундай конституцион-хуқуқий мақомга, ҳамда жамият учун юксак муқаддас, умум оммага баробар ҳаёт, маънавият ва сиёsat асосига қўйса бўладиган, айниқса ёзма ёдгорлик кўринишидаги обида-хужжатлар дунёning кўпгина қадимий халқларида у ёки бу шаклда учраб туради. Ўрта аср араб-мусулмон жамиятида бундай ижтимоий ва маънавий сиёsat асослари Қуръони Карим, хадиси шарифлар, тафсирлар ва шариъат китобларида мукаммал берилган бўлсада,<sup>13</sup> дунёвий давлат бошликлари - подшоҳлар, амирлар, сultonлар томонидан қабул қилинган ва сиёsatда, амалий ҳаётда қўлланилган ҳужжатлар унчалик ҳам кўп эмас.

Бобур ва бобурийлар давлати, жамиятининг ижтимоий сиёsatининг бош мақсади, асосий йўналишлари ва муаммолари “Бобурнома” да келтирилиб ўтилган қўплаб мисол, кузатиш ва маълумотларда тасдиқланса, бу катта ижтимоий сиёsatининг мақсад моҳияти, амалий вазифаларини Бобурнинг собиқ Садри аъзами, умрининг охирида ўз илтимосига кўра Кобулдаги Бобурнинг холиса мулклари волийси этиб тайинланган Хожа Калонга ёзган хат-кўрсатмасида ўта муҳтасар, лўнда қуйидагича баён этилган эди:

“Мундин сўнг агар қўрғон номазбут (обод, маъмур бўлмаган) ё раият номаъмур (маъмурчилик кўрган, тўқ-фаровон, рўшнолик кўрган бўлмаса) бўлса, ё захира бўлмаса, ё хазина тўлмаса, ул умдатулмулк (бош вазир) нинг бемуҳосиллиғига ҳамл бўлғусидир (давлат иқтисоди, хўжалигини таъминлай олмаганлигини билдиради). Баъзи заруриётким, мастур бўлғусидур (яъни кейинроқ муфассал ёзилади), баъзисиға фармон ҳам борибтур. Булардин

<sup>13</sup> Бу ҳақда муфасалроқ қаранг: А.Зоҳидий. Туркистанда ўрта аср араб - мусулмон маданияти. - Т.: ГФНТИ, 1993. “Ислом ва шариатда сиёсий маданият ва демократик қадриятлар” фасли... 45-57, 58-66 бетлар.

ортқон хазина бўлсун. Заруриёт булардур: (яъни зудлик билан қилинадиган энг зарур сиёsat ишлари қўйидагилардир): аввал қўрғон (яъни мамлакат, вилоят, шаҳар, туман, қишлоқ ва ҳ.к.) марамматига, яна захира, яна келур-борур элчининг улуфа ва қўнлағаси, яна масжиди жумъанинг иморати ёрмогини (таъминотини) мол (яъни давлат хазинаси) дин олиб, шаръий қилиб, сарф қилсунлар”<sup>14</sup>.

Мазкур хатда яна карvonсаройлар, ҳаммоллар, сув иншоатларини қуриш, таъмирлаш, ҳавуз ковлаш, ариқ ва каналлар қазиш, сардобалар қуриш, армияни қурол-яроғ, озиқ-овқат, кийим-кечак, от-улов, ем-хашак ва бошқалар билан таъминлаш зарурлигини бирма-бир санаб кўрсатар экан, Бобур опаси Хонзодабегим, унинг хизматчилари, харамини тезда ўз олдига юборишни, Нилоб сувигача кузатиб қўйиш вазифасини тайинлар экан катта давлат ижтимоий сиёsatининг мақсад, моҳиятини яққол ва лўнда ифодалаган сўзларни ёзган эди: “Керакким, ушбу хат етгач, ўшул ҳафтада ҳар неча кеч қолсалар, албатта, чиқсунлар. Не учунким, Ҳиндустондин борғон черик тор ерда танқислик ҳам тортарлар, вилоят ҳам хароб бўлур”<sup>15</sup>.

Бундай катта ижтимоий адолатни, инсофни, меҳр-шафқатни кўзлаган ижтимоий сиёsat охир оқибатда давлат ва жамият ҳаёти, тараққиётининг барқарор ривожланиши, катта ижтимоий тўстўполон, уруш-низоларсиз яشاши, гуллаб-яшнашига хизмат қилиши Мирзо Бобурнинг ўша 1528 йилги бир фармонида қўйидагича лўнда, сермазмун қилиб ифодаланган:

“Подшоҳнинг меҳрибончилигига сиғинган турк, тожик, араб, ажам, ҳинди, форсий фуқаро ва сипоҳ-бутун миллатлар, ҳамма инсон тоифалари бу мангу баҳшишга суяниб, умид тутиб, абадийликка бириккан давлатимиз диосига машғул бўлсинлар ва бу ҳукмлар ижросидан тошқарии чиқмасинлар ва бурилмасинлар, фармонга мувофиқ иш олиб борсинлар. Бу ҳукм улуғ подшоҳ имзоси билан етишса, эътимод қилсинлар”<sup>16</sup>.

<sup>14</sup> Бобурнома... 329 - бет.

<sup>15</sup> Бобурнома... 330 - бет.

<sup>16</sup> Бобурнома... 360 - бет.

Бобур 1525 йил, шаъбон ойида чиқарган фармонида ўз давлатида тинчлик-осудалик, ижтимоий адолат, инсоф, тўқлик-фаровонлик қарор топғанлиги, бундан барча табақа, тоифалар мамнун эканлигини қайд қилиб, Роно Санго ва унинг иттифоқчилари ана шу ижтимоий адолат, тўқ-фаровон, тинч-осуда, бахт-саодатли ҳаётга тажовуз қилаётгандикларини, шунинг учун унга қарши жанг қилиш, уни енгиб, бу таҳдид, тажовузни бартараф қилиш зарурлигини кўрсатар экан, қуидагиларни ёздирган эди: “Бу саодат ва давлатнинг содир ва зоҳир бўлиши шундай юзага келди... халқларнинг кўпчилик мусулмон ва кофир тоифалари бизнинг қутлуғ подшоҳлигимизга бўйсуниб, қуллик йўлига садоқат ва ихлос қадамини қўйдилар”<sup>17</sup>. Роно Санго билан ҳал қилувчи жанг арафасида чиқарилган ушбу фармоннинг қисқача мазмунидан кўриниб турибдики, бу жанг ва ундаги ғалаба Бобур давлатида ижтимоий адолат, инсоф, маъмурчилик, фаровон ҳаётни сақлаб қолиш учун катта аҳамиятга эга бўлган. Бундай катта ва кенг қамровли, жамиятнинг барча ижтимоий қатламлар, тоифалар, табақалар, гуруҳлар ва даражаларига етиб борган ижтимоий сиёsat, унинг муаммоларини самарали ҳал қилишга оид мисол, кузатиш ва хулосалар “Бобурнома” да жуда кўплаб келтирилган.

Шуниси ҳайратомузки, Бобур давлатининг тўқ-фаровонлигидан нафақат унинг ўз ҳудудидаги барча гурух, тоифа, табақалар, балки Бобурнинг ватани Фарғона-Андижон, Самарқанд, Бухоро, Термиз, Кобулдаги юртдошлари, азиз-авлиёлар, хусусан яссавия, кубравия шайхлари, пири-муршиidlари, уларга мансуб хонақоҳ, такъя, зовиялар, мадрасалар, мударрис ва талабалар, балки Эрону-Хурросондаги муқаддас жойлар, азиз-авлиёлар, Ироқ, Шом Хижоздаги, Макка ва Мадинадаги ватандошлар, азиз-авлиёлар, муқаддасгоҳларга мунтазам тортиқ, ҳадъя, совғалар, фитрлар воситасида баҳраманд қилинганлар.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш мумкинки, биз ўқорида Мирзо Бобурнинг ижтимоий-сиёsatга оид қарашларини

---

<sup>17</sup> Бобурнома... 361 - бет.

шаклланиши ва тарихий-фалсафий асосларининг айрим жиҳатлари хақида ўз фикр-мулоҳазаларимиз, ҳамда қарашларимизни қисман баён этдик. Зоро, Мирзо Бобур фаолияти, мероси ва Марказий Осиё илм-фани, маданияти, диний-фалсафий фикри анъаналарининг бобурийлар салтанатидаги диний-фалсафий, ирфоний, бадиий-ахлоқий фикр тараққиётига таъсири ниҳоятда кенг кўламли бўлиб, бу борада биргина мақоланинг ўзида тўла-тўкис фикр юритишнинг имкони йўқ.

Шуни эътиборга олган ҳолда биз юқорида келтириб, тахлил этган мисоллар, маълумотлар Бобурнинг Ҳиндистонда қурган давлати ва жамиятининг катта ижтимоий сиёсати моҳияти, мақсад ва вазифалари ҳамда муаммоларининг айрим ўзига хос жиҳатлари бўлиб, улар улуғ ватандошимизнинг Ҳиндистонда олиб борган катта давлат сиёсати хақида етарли даражада тўла тасаввур ва маълумотга эга бўлиш учун кифоя қилади - деган фикрдамиз.

#### **А д а б и ё т л а р:**

1. Каримов И.А. Халқимизнинг оташқалб фарзанди. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. - Т.: “Ўзбекистон”. 1996.
2. Низомиддинов Н. XVI-XVII асрларда Ўрта Осиё ва Ҳиндистон муносабатлари. - Т.: “Фан”, 1966.
3. Жалилов С. Бобир ва Юлий Цезарь. - Т.: “Янги аср авлоди”. 2001.
4. Бобур Захириддин Муҳаммад. Бобурнома. - Т.: “Юлдузча”. 1989.
5. Ҳабибий Абдулҳай. Бобуршоҳ. Тоъиф. 1976.